

УЎК: 50.24.8.9.
КБК: 80.10.(SЎЗБ)
P-44

Раҳимов, Ғанишер

Инглиз тили Ўзбекистонда: социолингвистик ва прагматик кўрсаткичлар / монография; Ғ. Раҳимов. Мазсул муҳаррир: Ш. Сафаров; – Т.: «TAMADDUN» нашриёти, 2017. – 268 б.

Мазсул муҳаррир:

Ш.Сафаров,

филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

А.М. Бўшуй,

филология фанлари доктори, профессор

И.К. Мирзаев,

филология фанлари доктори, профессор

М.Т. Ирискулов,

филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур монография инглиз тили глобаллашуви жараёнининг Ўзбекистонда ақс этиши, ушбу тилнинг мамлакатимизда тарқалиши, тури соҳалардаги коммуникатив муносабатларда тутган ўрни, ижтимоий мақоми ва таълим тизимидаги мавқеи таҳлил қилинган. Стандарт тил ва унинг вариантлари муносабати, тилнинг ижтимоий муҳитга мослашуви билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган кўринишлари ҳамда улардан оғзаки ва ёзма мулоқот шароитларида фойдаланиш имкониятлари ёритилган. Инглиз тилининг халқаро мулоқот воситаси сифатида қўлланишида юзага келадиган социолингвистик ва прагматик ўрганилган.

Монография назарий ва амалий тилшунослик, социолингвистика билан қизиқувчи илмий ходимлар, тадқиқотчилар, тил таълими мутахассисларига мўлжалланган.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2017 йил 25 августдаги 1-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4968-5-9

© Ғ. Раҳимов, 2017

© «Tamaddun» нашриёти, 2017.

СЎЗБОШИ

Мамлакатимиз таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсат умумбашарий тараққиётнинг анъана ва талабларига мосдир. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастурида маънавий етук, юксак интеллектуал салохиятли, замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган, келажакка ишонч билан қарайдиган, жавобгарликни ҳис эта оладиган, ҳаракатчан, ҳамкорликка ҳозиржавоб, ижодий тафаккур соҳиби бўлган баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “Ешларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салохиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.” [Ш. Мирзиёев 2016: 14].

Мамлакатимизда тил сиёсати илмий-ҳуқуқий асосланган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тартибга солинган. Тил танловидаги эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган [Ўзбекистон Республикаси

си Конституцияси 2008: 6]. Шу жумладан, таълим тизимида чет тилларидан қайси бирининг танла-ниши ҳам ота-оналар, таҳсил олувчиларнинг их-тиёрида. Аммо танлов беихтиёр ёки тасодифан ке-чадиган фаолият эмас. У асосли, муайян мақсадга йўналтирилган ҳаракатлардан иборат. Бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларда хорижий тил-ларни, хусусан, инглиз тилини ўқитиш ва ўрганиш тизимига алоҳида эътибор қаратилиши эса жаҳон ҳамжамиятига интеграция жараёнини янада тез-лаштириш имконини беради.

Хорижий тилни ўрганиш ва билиш истаги маъ-лум бир ижтимоий-иқтисодий муҳитда, мавжуд эҳтиёжлар замирида пайдо бўлади. Ўрганилаёт-ган тил шу талабларга жавоб берган тақдирдаги-на оммавийлашади. Юртимизда хорижий тилга бўлган эҳтиёж азалдан мавжуд. Зотан, қадим-дан маданият, илму фан ўчоғи бўлган, қолавер-са, савдо-сотик муносабатлари ривож тошган бу мамлакатда хорижий тил обрўси баланд бўлмас-лигининг иложи йўқ эди. Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний каби алломалар яратган кашфиётлар уларнинг хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириганидан далолатдир. Маҳмуд Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Ал-Муттари-зийлар тузган луғатлар кўпчилигининг ёрқин намунасидир. Алишер Навоийнинг “Муҳомама-ул-луғатайн” асари турли тизимдаги тилларни чоғиштириб ўрганиш сари кўйилган дастлабки қадамлардан бири ҳисобланади.

Тилнинг жамиятда бажарадиган вазифалари чексиз. Тил – жамият тараққиёти, инсон ҳаёти-нинг ажралмас қисмидир. Инсон учун буюк инъом бўлган тил мулоқот воситаси бўлиш билан бир қа-торда, оламни билиш, тўпланган билимни сақлаш, узатиш, бойитишнинг асосий манбаси ҳисоблана-ди. Билим тўплаш, ахборот тарқатишдан ҳоли ҳеч қандай тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай тараққиёт, ўз навбатида, тил тизимидаги ўзгариш-ларга таъсир ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ҳам тилни ҳурмат қилиш, уни қадрлаш қадимдан қолган анъана. Машҳур италян адиби А.Данте “Халқ тили ҳақида трактат”, сўз мулкининг сул-тони Алишер Навоий “Муҳомама ул-луғатайн” асарлари шундан далолат. Лекин фанда тилнинг жамиятда тутган ўрни беқиёслиги, миллий мада-ниятнинг ажралмас қисми эканини инкор этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шу жумладан, ўтган асрда кенг ёйилган структурализм оқими тараф-дорлари тилнинг ҳар нарсани бевосита ифодалаш қудратига эга эмаслиги, унинг фақат рамз ёки белгилар тўплами эканини исботлаш учун қан-чадан-қанча куч-қувват сарфлаганини эслайлик. Ҳатто, “XX аср тилшунослигининг яловбардори” Фердинанд де Соссюр, тил тизимидаги барча хо-латларни тасодиф эканини исботламоқчи бўлиб, “тил тушунчаларни ифодалаш мақсадида яратил-ган механизм эмас”, деган афсонавий ғояни олға суришдан тортинмади [Соссюр 1977:118].

Соссюрнинг китобини varaқлаганда, унинг ушбу фикридан хайратга тушмаслигининг иложи

йўқ. Ахир, тил воқелик идроки жараёнида туғилган тушунча, фикрни ифодалашга кодир бўлмаса, унда унинг вазифаси нимадан иборат?!

Тил билим эгаллаш ва уни узатиш манбаи эканлини, сўз воситасида коинотнинг барча нуқтасидаги маълумотни ифодалаш мумкинлигини таъкидлаган марҳум академик Алибек Рустамовнинг ёзишича, “Биз тил туфайли сезги мучалари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз. Кўриниши, шакли бор нарсаларнинг акси онгимизга ўрнашиши мумкин, лекин шаклсиз нарсаларни биз фақат сўз шаклида ўзлаштирамиз. Худди шунингдек мавжудотнинг кўринмас ички жиҳатларини ҳам сўз шаклида ўзлаштирамиз ва тил воситасида ўзгаларга тушунтирамиз” [Рустамов 2010; 6].

Тилнинг белгилар тизими эканлигини, майли, инкор этмайлик. Лекин ушбу тизимнинг борлигини билиш ва акс эттиришнинг фаол воситаси сифатида воқелик ҳақидаги индивидуал билимни умумийга айлантира олиши, шунингдек, авлодлар томонидан жамланаётган умумий билимни ушбу авлоднинг вакили – алоҳида шахс томонидан ўзлаштирилишини ҳам эътироф этмасликнинг илжи йўқ. Лисоний мулоқот воситасида тил соҳиблари жамоаси учун умумий бўлган оламнинг лисоний манзараси ҳосил бўлади ва бу манзара инсонлар фаолияти, хатти-ҳаракатларини тартибга солади, уларнинг бир-бирларини тушунишини таъминлайди. Оламнинг лисоний манзараси тил ёрдамида шаклланиб боради. Шу боис, В.Гумбольдт тил, тушунчаларни ифодаловчи маънолар тизими ёрдамида олам ва инсонлар жамоаси ўртасидаги “ора-

лик воқелик”ни ярадади, деб ҳисоблайди. “Ҳар бир тил, – деб ёзади олим, – миллат агрофидаги ўз худудини ҳосил қилади ва бошқа миллатга ҳос худудга ўтиш учун ўз худудидан чиқиши лозим. Демак, ўзга тилни ўрганиш доимо янги дунёқарашга эга бўлишдир; аслида ҳам шундай, чунки ҳар бир тилда инсониятнинг маълум қисмига оид тушунча, тасаввурлар тўқимаси мавжуд” [Гумбольдт 1984:80]. Фикримизча, Гумбольдт айтётган “оралик воқелик” нафақат тушунча ва тасаввурларни, балки образ, мазмун-мундарижага эга бўлган фикр-мулохазаларни ҳам ҳосил қилади.

Дунёнинг ранг-баранглиги тиллар ва маданиятларнинг хилма-хиллигида ҳам намоён бўлади. Турли тилларнинг мавжудлиги – миллатлар фаровонлигидадир. Уларнинг воситасида ҳар бир халқ ўз дунёсини англайди, тафаккур шакллари ёрдамида эса ҳақиқат сари қадам кўяди. Ушбу шаклларнинг ўзаро муносабати ҳар бир тилда ўзига ҳос. Оқибатда, уларнинг мазмуни ҳам турлича бўлади, зеро у алоҳида халқнинг фаолияти нағижасидир. Оламни билиш фаолияти тўхтовсиз ва узлуксиздир. Ҳар бир тил, халқ бу фаолиятда ўз йўналишини танлаш имконига эга.

Миллий тил (она тили) унинг эгаси бўлган халқнинг шаклланиши, кечаётган ҳаётий воқеалар силсиласида ўз ўрнини топиши учун хизмат қилади. Шубҳасиз, инсоннинг камол топишида она тилининг роли беҳисоб. Бироқ фақат ўз она тилини биладиган шахс ўз агрофидаги, ўз маданиятига ҳос оламни билиш билан чегараланиб қолиши мумкин, дунёдаги бошқа тилларни эгаллаш эса

билим доирасини кегайтириш имконини беради. Ўз қобига ўралиб қолган миллат ривожланиши қийин кечади, фақат дунё тараққиётига ҳамнафас бўлган халқнинг мавқеи мустақкам, қадами илдам бўлиши мумкин.

Миллатлараро, халқлараро муносабатлар бизнинг давримизда давр тараққиёти билан ҳамнафас бўлишнинг асосий тамойилига айланди. Зотан, биз глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Инсонлар шу даврга мослашишга мажбурдирлар. Машҳур файласуф ҳамюртимиз Қ.Хоназаров айтганидек, “замонавий киши глобал инсонга айланди. У дунё миқёсида тафаккур юритибгина қолмасдан, балки ўзини Ер қуррасида истиқомат қилувчи шахс сифатида тута бошлади” [Хоназаров 2007: 106].

Ер қуррасининг фуқароси бўлиш учун етарли даражада таълим олиш, билим тўплаш зарур бўлади. Талаб даражасидаги эҳтиёжни тўлиқ қондириши мумкин бўлган билим эса халқаро мақомини олган тил воситасида эгаллангани маъқулроқ [Ўша манба].

Инглиз тили худди шундай мақомга эга бўлган тилдир. Ҳозирги пайтда инглиз тили дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида турли таълим муассасаларида ўқитилади. Ушбу тилнинг тарқалиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда, баъзан таълим тизимида у бошқа хорижий тиллар ўрнини эгалламоқда. Социолингвист Д. Кристалнинг маълумотига таянсанок, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми инглиз тилидан мулоқот воситаси сифатида фойдаланмоқда. Боз устига, ундан она тили ва хорижий тил кўринишида фойдаланаётганлар сонини қиёс-

ласак, кўрсаткич 3:1 ни ташкил қилади [Crystal 2010:69].

Дарҳақиқат, инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиш кўлами ҳайрон қоларли даражада кенг, лекин ундан ҳам хайратланарлиси тарқалиш тезлигининг юқорилигидир. Охириги 50–60 йил давомида унинг глобаллашув тезлиги тинимсиз ўсиб келмоқда. Нагжижада, ҳозирги кунда инглиз тилидаги нутқ эшитилмайдиган юрт қолмади ҳисоб, миллионлаб одамлар ундан дунёнинг барча бурчларида фойдаланмоқдалар. Инглиз тили авиация, халқаро бизнес, илмий анжуманлар, дипломатия, спорт, электрон алоқа ва бошқа кўплаб соҳаларда асосий воситага айланган.

Инглиз тилини ўрганиш жаҳонда умумий тус олмоқда ва шу тезкорлик давом этса, “10-15 йилдан кейин уни билувчилар сони икки миллиарддан ошиши ҳеч гап эмас” [Gaddol 2006:14].

Бирон бир тилнинг буцдай тез суръатда дунё бўйлаб аҳолининг турли қатламлари орасида кенг ёйилишига турли омиллар сабабчи. Ушбу омиллар, албатта, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа асосларга эга бўлиши мумкин. Лекин улар нчида етакчилик қиладигани маълум давлат томонидан олиб борилаётган тил сиёсатидир. Тил сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ, бағрикенглик асосида олиб борилган мамлакатларда, она тилига бўлган меҳр сақлангани ҳолда, бошқа тилларга нисбатан эҳтиром ҳам ўз жойига қўйилади. Чет тили бундай муҳитда алоҳида мавқе эгаллайди ва ушбу эътибор таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими, ўз навбатида, миллий сиёсатнинг фаоли-

ят қуроли сифатида бозор иқтисодиёти ривожига мослашади, унинг талабларига биноан фаолият кўрсатишга мажбур бўлади. Шундай экан, хорижий тил таълимининг ўқув юртларида янада сифатли ва самарали олиб борилиши кутилган ҳол. Бугунги кунда ўқув муассасалари инглиз тилининг дунёвий мақомини мустаҳкамловчи манбага айланди. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги аҳолининг 90 фоиздан ортиғи инглиз тили сабоқларини таълим масканларида олган [EU Commission 2015].

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг буюк аждоқларимиз қолдирган меросни асраб авайлаш, мавжуд анъаналарни давом эттириш, ривожлантириш йўлидаги ҳаракат фаоллашди ва бу ҳаракатлар давлат томонидан қўллаб-қувватланди. Бинобарин, хорижий тилларни изчил ўргатиш давлат сиёсатига айланди. Бунга Президент ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва бошқа турдаги расмий ҳужжатлар гувоҳлик беради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон қарори ва унга илова қилинган “Таълимнинг барча босқичлари битирувчиларнинг чет тиллар бўйича тайёргарлик даражасига қўйилдиган талаблар”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим

муассасаларида чет тилларини ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 610-сонли Қарори каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда хорижий тил таълимини юқори даражада ташкил этишга оид барча стратегик вазифалар белгилаб берилган.

Мақсад “ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмалик”, яъни миллат мавқеини кўтариш, умумбаршарий тараққиёт йўлидан бориш ва ютуқларимизни дунёга намойиш этишдир. Ушбу мақсадга эришининг асосий шартларидан бири – чет тилини эгаллашдир. Бунда дунёвий мақомни олаётган инглиз тилида мулоқот юритиш қобилиятини шакллантирадиган билимга эга бўлиш устувор саналади. Дарҳақиқат, инглиз тили мамлакатимиз миқёсида тобора кенг кўламда тарқалмоқда, у таълим тизимида етакчи ўринга чиқиш билан бир қаторда, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, илм аҳли ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатувчи инсонлар ўртасида оммавийлашиб бормоқда.

Ушбу ишда биз инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиш даражаси, унинг мамлакага ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётида бажараётган вазифалари, турли жабҳаларда ундан фойдаланиш меъёрларини ўрганиш мақсадини кўзлаганмиз. Шунингдек, тадқиқотимизда инглиз тилининг миллий таълим тизимидаги ўрни, уни ўргатишга оид муаммолар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотда кўзланаётган асосий мақсад инглиз тилининг Ўзбекистонда жорий этилаётган мулоқот вариантнинг социолингвистик ва праг-

I қисм

ДУНЁ МИКЁСИДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ЛИНГВИСТИК МАҚОМИ ВА ВАРИАНТЛАШУВИ

матик хусусиятларини дунёдаги бошқа вариантлар билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда шу орқали уларнинг умумий ва хусусий кўрсаткичларини ажратиб, алоҳида вариантлар ривожланиши истиқболини белгилашдан иборатдир. Қўйилган мақсадга қай даражада эришганимизни баҳолаш, хурматли китобхон, сизнинг ихтиёрингизда. Монография мундарижаси ҳақида билдириладиган ҳар қандай фикр-мулоҳазани миннатдорчилик билан қабул қиламиз.

Яқунда ушбу асарнинг муҳокамасида фаол иштирок этган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий Кенгаши аъзоларига ва университет илмий-методологик семинари қатнашчиларига ташаккур билдиришни лозим, деб биламан. Алоҳида миннатдочилигимни монографиянинг нашр этилишида қимматли маслаҳатларини аяман маъсул муҳарир ва тақризчиларга етказмоқчиман.

- 1.1. *Дунё инглиз тиллари вариантларини таснифлаш масаласи*
- 1.2. *Инглиз тилининг *Lingua Franca* сифатидаги социолингвистик таъқини*
- 1.3. *Дунё инглиз тилларининг лингвистик мақоми*

1.1. Дунё инглиз тиллари вариантларини таснифлаш масаласи

Оламда мавжуд нарсаларни уларнинг таркиби, пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти, учраган ўзгаришларига қараб ўрганиш анъанага айланган. Шунингдек, бирор бир объектнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти ҳақида гапиришдан олдин ушбу объект тавсифланиши лозим. Тавсиф эса тизимли ёндашувни талаб қилади, зотан, тизимлаштирилмаган илмий таҳлил ҳеч қандай натижа бермайди. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асари яратилмаганида дунё фани минераллар ва кристалларнинг табиатини ўрганишда яна неча асрлар орқада қолар эди. Америкалик олим Ф.Старр қайд этганидек, “табiiй танлов” қонунини Чарльз Дарвиндан минг йиллар олдин кашф этган бу зот “ўзининг кўптомлик, аниқ фактларга асосланган асарларини яратишда янги метод ва технологияларни қўллади ва кейинчалик уларни математика, тригонометрия, сферик геометрияга оид воситалар ҳамда мумтоз мантиқнинг аниқ таҳлил усуллари билан бойитди. Шу билан бирга, у ўз хулосаларини баъзан фарз кўринишда баён қилиш орқали уларни бошқа тадқиқотчиларга текшириш ва мукамаллаштиришга имкон ярагди. Аммо буни яна беш юз йил кутишга тўғри келди ва ниҳоят европалик тадқиқотчилар унинг башоратларини тасдиқлаш ҳамда қатъий хулосаларини эътироф этишга мажбур бўлдилар” [Stagg 2013:378].

Қўринадики, тизимлаштириш ва таснифлаш илмий таҳлилнинг асоси бўлиб, у фан соҳалари ри-

вожининг кейинги босқичларини белгилаб беради. Аниқ ва табiiй фанларда яратилган таснифлашнинг намунаси методларидан фойдаланиш асосида ўрганилаётган объектнинг тизимга хос хусусиятлари ва фарқли белгилари аниқ намоён бўлади ҳамда тасниф тугал ва тартибли кўриниш олади. Жумладан, скандинав олими Линнейнинг боганикага ва рус олими Менделеевнинг кимёга оид тасниф-жадваллари шулар қаторига киради. Ижтимоий фанларда эса бундай натижаларга эришиш қийин. Аниқ методларнинг етишмаслиги, тасниф учун зарур бўлган белгиларни ажратишнинг қийин кечиши, ўткинчи ҳоллар ва кўрсаткичларнинг кўп учраши кабилар лисоний ходисалар таснифида турли-туманликлар мавжудлигига сабаб бўлмоқда. Ҳатто, Махмуд Қошғарий бошлаб берган ва кейинчалик “ёш грамматик”лар давом эттирган тилларнинг генеалогик таснифида қатор “бўш” ёки “ноаниқ” ўринлар, исботсиз фарзлар мавжуд. Барчага таниш бўлган морфологик тасниф амаллари ҳам қутилган натижаларни тўлиғича бермади, талабалар ҳозиргача аналитик тилни флектив тилдан фарқлашда қандай усулдан фойдаланиш лозимлигини билмайди, чунки кўпгина ҳолларда морфологик кўрсаткич таснифий белги вазифасини ўтамайди. Бироқ мавжуд муаммо ва қийинчиликлар тилшуносликда таснифлаш амаллари самара бериши қийин ва шу боис уларга мурожаат қилиш шарт эмас, деган фикрни уйғотмаслиги лозим. Аксинча, уларнинг қулай ва самарали шаклларини излаш ҳамда режали, аниқ мақсад билан амалиётга татбиқ этиш йўлларини қидириш тадқиқотчилар олдида турган муҳим вазифадир.

Кўлланилаётган усуллар ва воситалар тадқиқот объекти табиатига мос келиши илмий таҳлилнинг энг асосий методологик талабларидандир. Зотан бир соҳадан иккинчисига (масалан, табиий фанлардан гуманитар фанларга) зўрлаб кўчирилган метод ёки тамойил кутилган натижани бериш ўрнига, аксинча, ўрганилган объектнинг моҳиятини ногўри акс этиради. Бунинг неботини, масалан, математика фанига оид кўллаб тушунча ва ғояларни тилшуносликка олиб киришга уринган глоссематика ҳамда генеративизм каби йўналишларда кўриш мумкин. Мураккаб табиатли тил тизими, унинг доимий ҳаракатдаги “иш фаолияти”ни, инсон ҳаётида бажарадиган вазифаларини илмий билиш, тасаввур қилиш учун кенг қамровли ёндашув ва ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Тилга хос ходисалар таҳлили, уларни таснифлашда синчковликни унутиш ҳамда синовдан ўтмаган методлардан фойдаланиш этикдўзнинг мўкки тиккич бигизидан шох рўмолчага гул битишда фойдаланишдек бемаза ҳаракатга сабаб бўлади.

Тиллар таснифида эътибор, энг аввало, лисоний хусусиятларга, яъни орфографик, фонетик, лексик, грамматик ва прагматик кўрсаткичларга қаратилиши муқаррар. Лекин тиллар ва уларнинг вариантлари ҳақида сўз кетганда тиллар амалда кўлланилаётган мамлакатлар, шу тилда сўзловчи аҳолининг бошқа тиллар (вариантлар)га нисбатан муносабати каби омилларга эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Лингвистик ва ушбу турдаги ижтимоий-жуғрофий кўрсаткичлар бир хилда эътиборга олинмаган тас-

нифни *социолнгвистик таснифнинг* алоҳида тури сифатида қараш лозим.

Социолнгвистик таснифнинг бу турида тил таъриқийги жараёнида тизимда юзага келадиган турли силжишлар ўрганилиб, улар натижасида шаклландиган вариантлар ўзаро қиёсланади ҳамда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Бунда, албатта, гуруҳлашнинг таянч нуқтаси, яъни вариантлар қиёсида *tertium comparationis* вазифасини ўтайдиган асосни топиш муҳимдир. Лингвистлар тил вариантлари ва диалектларини фарқлашда “стандарт” тушунчасига мувожадат қилишади.

Тилнинг стандарт шаклини олиши узоқ вақт давомида ва турли ижтимоий-иктисодий шарҳитлар камровида кечади. Бундан ташқари, маълум турдаги лугат, грамматик, фонетик меъёрлар танлови амалга оширилиши лозим. Ушбу меъёрларни ажратишда ёзувчилар, ўқитувчилар, ноширлар (ОАВ ходимлари) ва бошқа зиёлиларнинг хиссаси катта. Масалан, инглиз тилининг стандартлашиши ушбу тилнинг Англия ҳудудида расмий мулоқот воситаси сифатида муқимлашуви, расмий ёзишма, нашрларда баён услубига эътиборнинг кучайиши билан боғлиқ. XVIII-XIX асрларда юзага келган бундай муҳитда Лондоннинг шимоллий қисмида яшайдиган бадавлат оилаларга маъқул бўлган тил инглиз стандартига асос бўлди. Бунда, шубҳасиз, Кембриж ва Оксфорд университетларининг ўрни ҳам алоҳидадир. Айниқса, 1755 йилда лугатшунос Самуэл Жонсоннинг машҳур лугати нашр қилингандан сўнг грамматик ва орфографик қоидаларнинг стандарт шакл сифатида кодлашти-

рилиши, яъни қайд этилиши осонлашди [Қаранг: Салохитдинов, 1975].

Стандартлашиш жараёни энг камида тўрт босқичдан иборат: 1) тил қоидаларининг танлови; 2) бу қоидаларнинг маълум ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилиниши; 3) уларнинг тарқалиши ва 4) уларнинг айрим етакчи ташкилотлар томонидан маъқулланиши ва қўлланиши. Қоидалар танловида лингвистик хусусиятларга нисбатан алоҳида шахс ва гуруҳлар фикри устун туради ҳамда, одатда, зиёлилар нутқи меъёр сифатида белгиланади. Танланган меъёрлар турли ўқув даргоҳлари, диний муассасалар, давлат ташкилотлари, нашриётларда маъқулланади ва тарқалади. Меъёрларнинг тарқалиши шакл ва вазифа яхлитлигини тақоза этади. Масалан, инглиз стандартининг шаклланиш даврида кўплаб юнон ва лотин луғат бирликлари қамраб олинишига тўғри келган, чунки мазкур бирликлар илм, дин, фалсафа соҳаларида муҳим роль ўйнайди.

Қайд этилган босқичлардан ўтгандан сўнг танланган қоидалар кодлаша бошлайди. Кодлашиш маълум мазмунга эга бўлган лисоний ҳодисаларга тартибли равишда лисоний белги берилишидир. Код, одатда, маълум кўринишда ижтимоий келишув асосида қабул қилинади ва маълум маданий муҳитда амалда қўлланади [Jakobson 1990:15]. Стьюарт Холл таъкидлаганидек, “коднинг фаоллашувисиз мулоқотнинг самарали ва мазмундор бўлиши қийин” [Hall 1996:37]. Коднинг маълум вазиятларда жамиятда устунликка эришиши ва жамоадаги лисоний фаолиятни маълум даражада “назоратга олиши” стандартнинг шаклланишини тезлаштиради ҳамда унинг ро-

лини мустаҳкамлайди. Бинобарин, XIX асрдан кейин Англияда оғзаки ва ёзма нутқнинг маълум усуллари тавсия қилувчи кўплаб грамматик, стилистик қўлланмалар нашр қилиниши авж олди. Аммо тавсия қилинаётган “тўғри” шаклни “нотўғри” сидан ажратиш бирор-бир аниқ мезонга эга эмас ва бу борадаги кўрсатмалар мавҳумлигича қолиб кетаётган эди. Масалан, *coming*, *hunting* каби шакллардаги *ing* бирикмасини уларнинг ёзлигишидан келиб чиқиб, [in] кўринишида талаффуз қилиш *ekin*’t инкор формасини ишлатиш ҳақидаги тавсиялар бирор бир мантикий асосга эмас эди (барча [in] ва *ain*’t шакллари билан фойдаланади).

Эслатиб ўтиш жоизки, стандартларнинг юқорида санаб ўтилган мезон ва ҳолатлари асосан инглиз тилининг икки минтақада, яъни Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британияда амалда бўлган нормалари мажмуасига оиддир. АҚШда ҳам меъёрлаштириш йўли билан стандарт чегарасини белгилаш муаммоси узил-кесил ҳал қилинмасдан қолмоқда ва бу борада турли, баъзан бири-иккинчисига қарама-қарши фикрлар туғилишига сабаб бўлмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, стандарт тавсифида тилнинг худудий вариантларини инобатга олиш даркор, “чунки, масалан, *car*, *beag* қаторидаги сўзлар “r” харфининг (*car* ўрнига *carh*, *beag* ўрнига *beah*) Шарқий Янги Англия ва Жанубий-Шарқий Америка худудларида талаффуз этилмаслиги стандарт меъёри сифатида қабул қилиниши билан бир қаторда, бошқа худудларда талаффузда тўлиқ акс этилиши ҳам меъёрдан четга қўйиб бўлмайди” [Wolfram, Shilling-Estes 1998:11]. Ҳақиқатдан ҳам, тил меъ-

ёрларини белгилашда кузатиладиган бу қадар но-
туғунлик сўзловчиларнинг қайси худудда яшашига
боғлиқ ҳолда белгилаш “стандарт” тўғрисида гапи-
ришининг ўзини қийинлаштиради. АҚШда ҳам ин-
глиз тилининг стандарт қоидаларини қодлаштириш
ҳаракаatlари бўлган ва 1828 йилда нашр қилинган *Am-
erican Dictionary of the English Language, Heritage
Dictionary, The Longman Pronunciation Dictionary* қа-
билар бунга мисол бўла олади. Талаффуз ва грам-
матикадаги турли-туманликлардан қочиш мақса-
дида америкалик олимлар *Network English Standard*
кўрсатмаларига амал қилишни маслаҳат беради,
чунки *Received Pronunciation* нормалари “алоҳида
ижтимоий гуруҳга оид бўлиб, ҳеч қачон умумий та-
лаффуз ҳолатларини акс эттирмаган” эмиш [Milroy
1999:174]. *General American* номини олган вариант
ўзига хос фонетик, орфографик, грамматик хусуси-
ятларга эга ва бу хусусиятларга асосланган ҳолда
уни *British English* вариантидан фарқлаш мумкин.

Кейинги йилларда илмий адабиётларда Ҳиндис-
тон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Ямайка
каби мамлакатларда қўлланилувчи инглиз тили ва-
риантларига нисбатан “маҳаллий стандарт” (*local
standards*) атамаси ишлатилмоқда. Ушбу атаманинг
изоҳи жуда оддий: турли мамлакатларда юзага
келган вариантлар *British English* вариантгига грам-
матик ва орфографик жиҳатдан мос келиши билан
бир қаторда, талаффуз ва мулоқот қоидалари би-
лан фарқланади [Қаранг: Trudgill, Hannah 2008:1-4].
Британиялик тилшуносларнинг бу фикрига қўшили-
диган бўлсак, масалан, Норфолк шеvasида сўзлов-
чиларнинг феъл тусланишидаги биринчи ва учинчи

шахш шаклларини фарқламасликларини (*I do, he do*)
ностандартликка йўйиб, ҳиндистонлик ва нигерия-
ликларнинг инглиз тилидаги [Ө] ва [Ө] товушларини
талаффуз қилмасликларидан қатъи назар, стандарт
сифатида қарашга мажбур бўламыз.

“Маҳаллий вариантлар”нинг кўпчилиги ХХI аср-
гача кенг миқёсда қўлланилмагани сабабли, тил бир-
ликларини тўғри ишлагиси, грамматик қоидалардан
ўринли фойдаланиш ҳақида аниқ кўрсатмалар йўқ,
уларда норма омманинг нутқига нисбатан белгила-
нади. Инглиз тилининг Ҳиндистон, Нигерия, Жану-
бий Африкада амалда бўлган вариантларга келсак,
уларда стандартлашув дастлабки босқичларда ту-
рибди, танланган меъёрларни ҳали ҳамма қабул қи-
либ улгургани йўқ. Нигериялик тадқиқотчи А.Бан-
жонинг гувоҳлик беришича, шу мамлакатда инглиз
тилида ижод қилувчи муаллифлар ёзаётганларини
текширишда асосан “Зиёли ҳамюртимиз шундай
усулда сўзлайдими?” деган саволга жавоб излар экан
[Қаранг: Vanjo 1993:209].

Стандартлашув Ҳиндистон, Сингапур, Малази-
яда биров тезлашмоқда. Яқинда ҳиндистонлик тил-
шунослар яратган “*Indian and British English*” луға-
ти нашрдан чиқди. Аммо бу луғатда инглиз тили
стандартгига қиёслаган ҳолда берилаётган меъёрлар
фақат тавсиф кўринишига эга бўлиб, уларга риоя
қилиш ҳақида ҳеч қандай тавсия ёки кўрсатма йўқ.
Нагигада, инглиз тилида чоп қилинадиган маҳаллий
газета, журналларда ҳеч бир стандартга мос келмай-
диган грамматик шакллар, нутқий тизилмалар қўлла-
ниши одатий ҳолга айланган [қаранг: Görlach 1995].
Малазия, Сингапур ва Филиппинда ҳам қарийб шунга

ўхшаш жараёнлар кечмоқда [Deterding 2007; Bolton 2002; Anthea Gupta's Webpage; Language Varieties Website 2012].

Буларнинг барчаси стандартлашни белгиловчи мезонларни қайта кўриб чиқиш ва меъёрлар танловида тил тизимида юзага келаётган ўзгаришлар ҳамда грамматик-лексик муқобилликларга эътибор қаратиш лозимлигидан дарак беради. Зеро, лисоний ходисаларнинг ҳар қандай кўринишида моделлаштирилиши тилнинг умумий табиати, унинг ҳаракатчанлиги ёки динамикасини ҳамда унга хос бўлган яратувчанлик қобилиятини акс эттириши керак. Бундан ташқари, стандарт тилнинг манбаси фақат Британия ва АҚШ бўлиши кераклигини уқтириб келаётган ғоя ҳам анчагина эскириб қолганга ўхшайди. Лисоний ходисалар тавсифида плюралистик ёндашувнинг самарадорлиги кўп бор синовдан ўтган. Боз устига, айрим мамлакатларда инглиз тилида “қўшмаданиятлик” намунаси бўлган бадий асарлар пайдо бўлмоқдаки, Нобель мукофоти соҳиби ғарбий африкалик Воил Сойинка (Wole Soyinka), ҳиндистонлик Анита Десай ва Рожа Рао қабиларнинг асарларидан стандарт меъёрларини белгилашда фойдаланмасликнинг иложи йўқ.

Афсуски, инглиз тилининг дунё халқлари учун бир хил бўлган халқаро стандарти (International Standard English) қабул қилинмаган. Бизнингча, бундай кўринишдаги стандартни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Халқаро стандарт маълум даражада сунъий мундарижага мойил бўлишидан кўрқаяётганларга эслатмоқчимизки, hozir амал қилаётганимиз British English Standard ҳам алоҳида

шахслар фаоллигида шакллантирилган ва ундан хозирги пайтда Англия аҳолисининг фақат 12 фоизи фойдаланмоқда [қаранг; Britain 2010:41]. Лекин ушбу стандарт инглиз тили таълимида, магбуотда ҳамон таянч манба вазифасини ўтаб келмоқда. Шунга нисбатан, ушбу стандартнинг тил вариантлари қиёсида Tertium comparationis вазифасини бажаришини ҳамда стандартлашнининг вариантлари таснифида таянч фарқловчи белги, мезон бўла олишини инкор этиб бўлмайди.

Баъзи олимлар тил вариантларини гуруҳлашда жуғрофий ва ижтимоий кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратиб, минтақавий ҳамда ижтимоий вариантларни ажратиш тарафдоридирлар [Масалан, қаранг: Rickford 1986]. Дунё инглиз тиллари таснифида “айирмачилик” ёндашуви маъқул эмас. Бундай таснифда барча кўрсаткичлар (ҳеч бўлмаганда, ёнама-ён турадиганлари)ни бир хилда эътиборга олиш лозим. Вариантларнинг минтақавий хусусиятлари ижтимоийларидан деярли фарқланмайди. Ҳатто улар бир пайтнинг ўзида, тенг кўламда намоён бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Вариантларнинг фарқлари *квалитатив* ва *квантитив* кўринишларга эга. Сифат ва сон кўрсаткичлари ҳам бир-бирини инкор этмасдан, аксинча, бири-иккинчисини тўлдирлади. Чунончи, *A* вариантда *X* кўрсаткичи ва *B* вариантда *Y* кўрсаткичи мавжуд бўлган тақдирда, сифат кўрсаткичлари қайд этилса, *X* кўрсаткичининг *A* вариантда *B* дагига нисбатан кўп миқёсда учраши аниқланганда, миқдорий (квантитив) тахлил амалга оширилади. Квалитатив ва квантитив кўрсаткичларнинг бир хил даражада ва бир пайтнинг ўзида вари-

антлар фарқлинишига асос бўлиши учун ажратилаётган кўрсаткичлар тасодифий хатолар бўлмасдан, балки доимо ва тизимли равишда такрорланадиган ҳодисаларни ташкил қилиши лозим.

Инглиз тилининг тарқалиши дунёнинг турли хулудларида турли сабаблар ва мақсадларда кечган. Ҳалқлар миграцияси тилларнинг миграциясини тақоза этади ва ушбу икки воқелик ёнма-ён, бир даврнинг ўзида содир бўлади бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: *Sosstor* 1977, 233–240]. XVII асрнинг бошларида бир гуруҳ инглизлар Массачусетисга кўчиб ўтиши билан Шимолий Американинг ишғол қилиниши бошланади ва 1640 йилда Янги Англия деб аталган худудда 25 мингдан ортқк инглизлар истиқомат қила бошлади. XIX-асрда миграция оммавий тус олди ва оқибатда АҚШда инглиз тилини ўз она тили сифатида эътироф этувчилар сони 250 миллиондан ошди. Канада, Янги Зеландия, Австралия, Жанубий Африка (қисман) мамлакатларида инглиз тилининг асосий мулоқот тилига айланиши ҳам миграция ҳаракатлари, инглиз тилининг Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Малайзия, Сингапур каби худудларда тарқалиши сабаблари босқинчилик амалга оширилиши билан боғлиқ. Бу худудларда инглиз тилини она тили деб ҳисоблайдиганларнинг сони жуда ҳам кам ва янгидан юзага келган вариантларни баъзилар New English номи билан атайди ҳамда ушбу кўринишдаги инглиз тили иккинчи тил сифатида эътироф этилади [қийёсланг: Mufwene 2000:9]. Бундан бир неча йил олдин “постколониал вариантлар” (postcolonial variants) атамасини қўллаган Э. Шнайдер вариантлар ҳосил бўлишига таъжирий

ходиса сифатида қарайди [Shneider 2007]. Вариантлар ривожини эволюцион жараён экани ҳақиқат, чунки ушбу жараён ижтимоий-маданий воқеалар билан баъробар кечади. Лекин таъжирий босқичлар вариантлашувнинг барча ҳолатларида бир текис ва бир хил кўринишда кечиши гумон. Фикримизни асослаш учун Э. Шнайдер санаб ўтган тараққиёт босқичларини келтирмоқчимиз: “асос солиш” (exonormative stabilisation), “маҳаллийлашув” (nativation), “эндонорматив муқимлашув” (endonormative stabilisation), “фарқланиш” (differentiation) кабилар. Улар қуйидагича изоҳланади [Shneider 2007:78-87]:

1. “Асос солиш” босқичи инглиз тилининг бошқа бир худудга кўчиб келган одамлар гуруҳи тамонидан қўлланилишини акс эттиради. Бу босқич маълум бир давр мобайнида кечиб, тил вазияти турғунлашганидан, яъни “кўчманчи” тил хукмронликка эришганидан сўнг тугайди.

2. “Эксонорматив муқимлашув” худуд истило қилинганидан сўнг инглиз тилининг тарқатилиши ва маҳаллий аҳоли орасида билингвиаллар гуруҳининг шаклланиши шароитида кечади.

3. “Маҳаллийлашув” босқичида кўчиб келганларнинг она юрти билан алоқаси сусаяди ва бунинг натижасида маълум турдаги лисоний воқеликлар юзага келади: маҳаллий аҳоли тили билан инглиз тилининг ўзаро “қоришуви” натижалари кўрина бошлайди, янги вариант ҳосил бўлишига замин тайёрланади.

4. “Эндонорматив муқимлашув” босқичи маҳаллий меъёрларнинг аста-секин қабул қилиниши ҳамда кўчиб келганларнинг маҳаллий аҳоли билан миллий бирликка интилиши, аниқроғи, янги миллат-

нинг шаклланиши даврида кечади. Айнан шу даврда луғат ва қўлланмаларда янги вариант намуналари қайд қилина бошлайди.

5. “Фарқланиш” босқичида янги миллий гуруҳ шаклланади ва турли худудий, ижтимоий ҳамда этник гуруҳлар мажмуасидан ташкил топган бу миллиятнинг тилида ички бўлинишлар, яъни “шева”ларнинг ҳосил бўлиши кузатилади.

Санаб ўтилган эволюцион босқичлар инглиз тили вариантлари ривожига ҳос бўлса-да, лекин улар ушбу тилнинг дунё бўйлаб тарқалишининг барча ҳолатларини акс эттирмайди. Уларга диққат билан разм солганимизда, сўз, асосан инглиз тилининг биринчи ёки она тили сифатида эътироф этилишига оид ҳолатлар ҳақида кетаётганини ва фақат айрим ҳоллардагина унинг иккинчи (расмий) тил сифатида қабул қилинишига изоҳлар берилаётганини кўрамиз. Ҳолбуки, инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиши юқоридаги ҳолатлар билан чегараланиб қолмайди. Бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида миллионлаб фуқаролар бу тилни чет тили сифатида ўрганмоқда, ундан расмий ва илмий мулоқот жараёнларида фойдаланмоқда, газета-журналлар нашр қилинмоқда ва таржималар амалга оширилмоқда.

Таснифий мезонларни белгилашда тилнинг тарқалиш йўналиши ва кўриниши назардан четда қолдирилса тасниф тўлақонли бўлмайди.

Таснифнинг тўлиқ, барчани қониқтирадиган кўриниш олиши учун яна бир қарра юқорида эслатилган сифат ва сон (квалитатив ва квантатив) тахлил амалларига мурожаат қилингани маъқул. Кван-

гатив тахлилга мурожаат қилинганда инглиз тилининг қўлланиш миқёси, жамиятнинг турли соҳаларида бажараётган вазифаси (таълим, бизнес, ҳуқуқ, маданият ва х.к.) аниқланса, квалитатив амаллар тағбиқида эса ундан фойдаланиш даражаси, ижтимоий сингдирилганлик меъёри белгиланади. Масалан, Хитой, Корея, Россия, Ўзбекистон каби мамлакатларда инглиз тилининг таълим, халқаро мулоқот соҳаларида қўлланиш миқёси кенгайиб бораётган бўлса-да, лекин ундан фойдаланиш ва унга оид билимнинг “чуқурлик” даражаси Ҳиндистон ёки Сингапурга ҳали етганича йўқ. Энг муҳими, бунда, қандайдир бир “оралиқ ёки ўрта тил” вужудга келмасдан, балки ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлган вариантлар шаклланиш арафасида турибди. “Ўрта тил” эса она тили ва чет тили ўртасидаги ҳар қандай тизимлилик ва рационалликдан йироқ бўлган тузилмадан бошқа нарса эмас. Шу боис *interlanguage* тушунчаси социолингвистлар танқидидан холи эмас [қиёсланг: Kachru 1993; Sridhar and Sridhar 1986].

Фикримизча, ўтган асрнинг 90-йилларида таклиф қилинган тасниф модели қўйилаётган талабларга маълум даражада жавоб бера олади. Ушбу модел муаллифи Бразж Качру инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишини занжирсимон йўналишда кечишини эътиборга олиб, юзага келган вариантларни уч доира ичига жойлаштирган ҳолда тасаввур қилишни тавсия қилади. Асосийси, вариантларнинг ўзаро муносабатига киришиши ва уларнинг доиралар ичида жойлашуви ўзгарувчан эканлиги ҳам эътибордан четда қолмасдан, ушбу доиралар ўзаро

кесишган ва ҳақиқий занжирни ҳосил қилган ҳолда тасвирланади [қаранг: Kashti 1985; 1992; 1994]. Иллиноис университетининг профессори дунё инглиз тилларини қуйидаги доираларда тақсимлайди:

1. **Ички доира** (Inner Circle). Бу доирага инглиз тили асосий тили бўлган Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия мамлакатлари киряди. Бу мамлакатларда аҳоли бошқа тилларда сўзлашса ҳам, лекин кўпчилик она тили сифатида инглиз тилини эътироф этади ва у расман давлат тили деб эълон қилинган. Америкаликлар, ўз навбатида, бундай расмийликка унчалик эътибор беришмасдан (АҚШ Конституциясида “давлат тили” ҳақидаги банд йўқ), доимо инглиз тилини биринчи ва ҳукмрон тил деб билдиллар.

2. **Ташқи доира** (Outer Circle). Бу доирага инглиз тили кўплаб расмий вазифаларни бажарадиган, хусусан давлат бошқаруви, таълим, адабиёт ҳамда маданиятда ўз ўрнини эгаллаган Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Жанубий Африка, Нигерия, Замбия, Филиппин каби мамлакатлар киряди.

3. **Кенгаётган доира** (Expanding Circle). Бу доирага кирадиган мамлакатларда инглиз тили таълим соҳасига кенг миқёсда жорий қилинган бўлса-да, тил асосан илмий ва техник адабиётлар билан танишиш, халқаро мулоқот юритиш қобилиятини шакллантириш мақсадида ўргатилади. Бундай мамлакатлар қаторига муаллиф негадир фақат Хитой, Индонезия, Эрон, Япония, Корея ва Непални киритади [Kashti 1983: 145-170]. Аслида, айнан ушбу доира дунёнинг кўплаб мамлакатларини, шу

жумладан, Ўзбекистонни ҳам камраб олади. Инглиз тилининг жаҳон бўйлаб кенг тарқалиши кузатилаётган бир пайтда ушбу доира сарҳадини 4–5 та мамлакатни санаб ўтиш билан чегаралаб қўйиш таклиф қилинган таснифнинг заиф кўриниш олишига сабаб бўлади.


Дарҳақиқат, Б.Качру модели айрим камчилик ва хатолардан холи эмас. Ушбу модел кўп вариантлар хусусиятларини ўта оддийлаштириш йўли билан тасвирлаш асосида шакллантирилган ҳамда вариантларни гуруҳлашда жузурфий-тарихий кўрсаткичлар асосий ўринга чиқарилиб, улар бажарилаётган вазифа, яъни функционал белгиларга тенглаштирилган. Энг ачинарлиси, модел учун танланган таснифий белгилар хар доим ҳам социолингвистик шарҳга эга бўлмайди. Шу боис, модел мунаққидларидан бири “уч доира тушунчаси миллатлар фарқига асосланган модел ва у тарихий воқеаларга таянади, ҳозирги социолингвистик фактлар эса қарийб инobatга олинмайди”, деганида ҳақли эди [Bruthiax 2003:172].

Социолингвистик омиллар, сўзсиз, тил вариантларини ажратиш ва уларнинг таснифлашда муҳим кўрсаткичдир. Бинобарин, “ташқи доира” худудига киритилган Малайзия ва Сингапурдаги инглиз тилининг роли ва бажараётган вазифасини қиёслаб кўрайлик. Буюк Британия ҳукмронлиги даврида ягона бир давлатни (British Malaya) ташкил қилган Малайзия ва Сингапур мустақилликдан сўнг алоҳида давлатлар сифатида ажралиб чиқишди ва уларнинг ҳукуматлари юритилаётган тил сиёсати туфайли юзага келган социолингвистик муҳит бу-

тунлай ўзгача кўриниш олди. Бу даставвал, инглиз тили қўлланишининг миқёси ва кўламида намоён бўлади. Малайзияда инглиз тилининг қўлланиши кўпроқ инсонларнинг ижтимоий мақомига, қайси гуруҳга оидлигига боғлиқ: Куала Лумпурда яшовчи зиёлилар, олий маълумотли кишилар ундан “иккинчи” ёки “биринчи” тил сифатида фойдаланишса, узоқ минтақаларда яшовчилар учун у ҳануз “узоқ чет тили” бўлиб қолмоқда [қаранг: *Reppusook* 2003:519; *David* 2004]. Сингапурда, аксинча, инглиз тили кенг миқёсда ва чуқур ўрганилади, ундан фойдаланиш даражаси ҳам Малайзияникидан анча юқори [Low, Brown 2005]. Ҳозирги пайтда ҳатто ёшларнинг кўпчилиги инглиз тилини она тили сифатида ўрганиб вояга етмоқда, бу Singapore English вариантынинг “ички доира”га яқинлашувига туртки бермоқда.

Кўрсатилган камчиликларга қарамасдан, Б.Качрунинг “уч доира” модели дунё инглиз тилларини таснифлаш ва тавсифлашнинг бирмунча қулай модели бўлиб, у тилдан фойдаланиш амалиёти, фойдаланувчилар ва, ниҳоят, унинг шакллари орасидаги муносабатларни аниқлаш имконини кенгайтиради. Бундан ташқари, дунё инглиз тиллари тадқиқида вариативлик ҳодисасини асосий ўрнига қўйган ушбу модел ўзининг оддийлиги билан ҳам ажралиб туради ва айнан шу сабабли уни чизмада тасвирлаш осон кечади. Қуйида келтирилган чизмада дунё инглиз тиллари занжирли муносабатини акс эттиришга ҳаракат қиламиз: (чизма 1).

Чизма 1. Дунё инглиз тилларининг таснифи ва ўзаро муносабати.



Чизмадан кўринадики, уч доирали тасниф модели плюрализмга хос тамойилларга асосланган ҳолда қурилган бўлиб, ушбу тамойилларнинг тағбиқ этилиши тилини тизимли ҳодиса сифатида тасаввур қилиш билан бир қаторда, унинг қўлланиш шарт-шароитлари, муҳитини ҳам бевосита идрок этиш, илмий тасвирлаш, изоҳлаш имконини беради.

1.2. Инглиз тилининг *lingua franca* сифатидаги социоллингвистик талқини

lingua franca тушунчаси ҳозирги пайтда социоллингвистикага оид адабиётларда кенг қўламда қўлланилаётган бўлишига қарамасдан, ушбу тушунча турлича талқин қилинмоқда. Немис тилшунослари К.Кнапп ва С.Майеркарднинг айтишларича, *lingua franca* тарихан XV–XIX асрларда Ўрта Ер денгизларининг жануби-шарқий қирғоқларида қўлланишда бўлган тилни англатган ва бу “тил” испан, француз, португал, араб, турк, юнон, форс лисоний унсурлари қоришмасидан иборат бўлган [Кнапп, Meierkord 2002:9]. Кейинги йилларда ушбу тушунча талқинида “чатишув” сифатидан воз кечишга тўғри келди, чунки икки ёки ундан ортиқ тиллар чатишуvidан ҳосил бўладиган лисоний вариантни аташ учун социоллингвистикада алоҳида термин (*pidgin-nump*)мавжуд.

Инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалиши *English as a lingua franca* (ELF) тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бунда инглиз тили ва маданияти умумий бўлмаган инсонлар тамонидан инглиз тилининг хорижий мулоқот тили сифатида танлаб олиниши тушунилади [Қаранг: Firth 1996:270]. Худди

шундай талқинни Ж.Хауснинг ишларида ҳам учратиш мумкин. Унинг фикрича, ELFдаги мулоқот “инглиз тили она тили бўлмаган икки ёки ундан ортиқ лисоний маданият вакиллари ўртасида кечади” [House 1999:74].

Юқоридаги муаллифларнинг фикрича ELF мулоқотдошлар учун ҳар қандай ҳолатда ҳам хорижий тил бўлиб қолаверади ва ушбу мулоқот жараёнида инглиззабоннинг иштироки инobatга олинмайди. Шу боис, баъзилар ELFни “халқаро тил” сифатида қаралаётган English as an International Language (EIL)дан фарқлаш тарафдоридирлар [масалан, қаранг: McKay 2002]. Бизнингча, бундай чеклов ва ажратишлар турли чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Яхшииси, ELF таърифида инглиз тилининг мулоқотдошлар учун чет ёки она тили бўлиши масаласига эътибор қаратмасдан, унинг лисоний-маданий кўрсаткичлари ва фаоллик даражасини инobatга олган маъкул. Бунинг исботи ушбу атаманинг тил таълими методикасига оид лугатга киритилишида ҳам кузатилади [Bugam, et al 2004:357-358]. ELF атамасининг қулайлиги яна шундаки, у аниқ мазмунга эга бўлиб, қўлланиш доираси ҳам белгиланган, яъни у турли мйлатлар ўртасидаги муносабатларда лисоний-коммуникатив восита вазифасини ўтайди ҳамда шу аснода “тилнинг глобал қўлланиши ва ривожига етарлича ҳисса қўшади” [Siedhofer 2004:212]. Бу “ҳисса” қандайдир “лисоний қоришмалар” ёки сўзловчининг она тилида мавжуд бўлган дискурсларнинг “сингдирилиши” асосида ўлчанмаслиги лозим.

Инглиз социоллингвисти Женифар Женкинс эса, аксинча, бундай “қоришмалар”ни ELFнинг асосий белгилари қаторига қўйиш тарафдори: ELF emphasizes the role of English in communication

between speakers from different L1s, i.e. the primary reason for learning English today; it suggests the idea of community as opposed to alienness; it emphasizes that people have something in common rather than their differences; it implies that "mixing" languages is acceptable ... and thus that there is nothing inherently wrong in retaining certain characteristics of the L1, such as accent ... (Jenkins 2000:11).

Дарҳақиқат, EFLни Хиндистон, Сингапур каби мамлакатларда расмий иккинчи тил сифатида қабул қилинган English as a Second Language (ESL) билан бир қаторга қўйиб бўлмайди, чунки бу мамлакатларда инглиз тили алоҳида мақомга эга бўлиб, у алақачон ёзма ва оғзаки мулоқот воситасига айланган ҳамда мустақил вариант(лар) кўринишида шаклланиб улгурган. ELF мақомидаги инглиз тили эса янгидан пайдо бўлаётган тиллараро муносабатлар натижаси бўлиб, маданиятлараро алоқа воситаси вазифасини ўтайди. Тиллараро муносабатлар жараёнида янги вариантларнинг пайдо бўлиши, бир-бирига таъсир ўтказиши табиий ҳол. Инглиз тилининг халқаро миқёсда кенг қўламда қўлланишида чет тилидан фойдаланаётган (ёки уни ўрганаётган) шахс ҳақиқий тил эгаларига эргашинга ва уларга таклид қилишга ҳаракат қилади. Бундай тиллараро муносабат жараёнида, Ж.Брутт – Гриффлар ўйлаганидек [Brutt-Griffler 2002:179-180] чет тили жамоасининг таъсири кучли бўлишига ишониш қийинроқ, чунки ҳар қандай лисоний алоқа икки томонлама кечади ва алоқадаги тилларнинг таъсири нисбатан тенг кучга эга бўлади.

Инглиз тилининг шахсий ва жамоавий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлатилиш қўлами кен-

гайгани сари EFLнинг вариантлашуви ҳам тезлаша боради. Х.Виддоусонинг қайд этишича, EFLни эркин ва олий табақали тил кўринишида тасаввур қилаётиб, инглиз тили халқаро миқёсда “тақсимланмасдан” (distribution), балки “тарқалаётганлиги”ни (spread) уқтиради ва бу тарқалишда тил турли йўналишларда фаоллашиб, маълум шароитларга мослашиши ҳамда маҳаллий назоратга бўйсинишини таъкидлайди [Widdowson 1994:140].

Lingua Franca вазифасида қўлланилаётган тилни инглиз тилининг халқаро мулоқот воситаси вазифасида қонуний ривож натижасида янгиланаётган вариант кўринишида қараш аънанаси шу даражада кучайиб бормоқдаки, ҳатто хорижликлар билимини стандарт тил нормалари асосида текшириш амалиёти қораланмоқда [масалан, қarang: Howatt, Widdowson 2004:361; Lowenbourg 2002:81]. Бундай талабнинг қўйилиши, эҳтимол, инглиз тили расман иккинчи тил сифатида эътироф этилган ҳолатларда ўринлидир. Чунки бунда инглиз тили нафақат миллатлараро, балки миллат ичида ҳам кенг қўлланиладиган мулоқот воситаси вазифасини бажаради ҳамда шу миллий-маданиятга хос кадриятларга мослашган ҳолда меъёрлашади. ELF қўлланишида эса ҳолат тасмаман бошқача. Бу ҳолатда норма ҳақида гапириш ва уни ажратиш анча мушкул.

Маълумки, нормани чегаралаш масаласи тил тизимида тавсифий (descriptive) ва қоидалар белгилаш (prescriptive) ёндашувларини қўллаш билан боғлиқ. Дескриптив меъёрлар, социолингвистлар таърифича, тилнинг сўзловчилар тамонидан энг кўп қўлланиладиган шаклларига асосланади ва бу шакллар

маълум шароитларда ўз муқобилларига эга бўлиши мумкин. Прескриптив меъёрлар эса, аксинча, грамматика ва пунктуацияга оид қўлланмаларда ўз аксини топган у ёки бу қоидага ҳар қандай шароитда риоя қилинишни талаб қилади. Қўлланилаётган лисоний шаклларга баҳо бериш кийин масала. Албатта, бунда асосий “баҳоловчи” вазифасини тил соҳиблари бажаради, бироқ улар бераётган баҳо ҳам кўпинча мос келмайди. Қўлланмаларда қайд этилган қоидалар эса, муқобиллашмайдиган, инвариант тавсиялар кўринишига эга бўлиб, лисоний шаклларнинг маълум коммуникатив шароитларга мос келишини таъминлайди. Бундай ёндашувда норма алоҳида шахслар “хатти-ҳаракатларига танқидий қараш ва уларни тўғрилаш меъёрига айланиши” аниқ [Bartsh 1987:173]. Ҳозирги кунда тилшуносларда прескриптив, яъни қоидаларга қатъий амал қилиш талабларидан бироз бўлса-да чекинмиш ҳисси сезилмоқда ва улар турли вариантлар қўлланишига бирмунча хайрихоҳ бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, тил таълими билан машғул мутахассенларда норозилик туғди-моқда ва улар тилшунослардан қайси лисоний шаклнинг маъқуллиги ҳақидаги аниқ кўрсатмаларни кутмоқда.

Тил таълимида ва лисоний билим даражаси назоратида ўта эркинликка йўл қўйиб, ҳар бир вариант ўз қондалари тизимига эга экани ҳақидаги ғояга эргашадиган бўлсак, таълим тизгинини қўлдан чиқаришимиз аниқ. Меъёр ўта эркин даражада намоён бўла олмайди, унинг шаклланиши ва таракқиёти маълум қонуниятларга асосланади ва тарихий пойдеворга эга. Таниқли социоллингвист П.Траджил ёзганидек,

“инглиз тили ундан она тили сифатида фойдаланувчилардан илдиз олади (stems from them) ва улар билан мавжуд (resides in them)” [Trudgill 2005:78]. Ҳақиқатдан ҳам, тил эгасиз бўлишини тасаввур қилиш кийин, у – миллий негизга эга, миллат билан бирга ривожланади, яшайди. Инглиз тилидан хорижий тил сифатида фойдаланаётганларнинг сони, унинг эгалариникидан бир неча баробар кўп бўлса-да, у ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг миллий тилга хос хусусиятини йўқотмайди ва турли кўринишдаги вариантлар айнан шу миллий тил негизда пайдо бўлади ҳамда ривожланади. “Миллий инглиз тили, дунё деб қайд этади социоллингвистлардан бири, тиллари бўлган инглиз тилининг ягона манбасидир” [Brutt-Griffler 2002:181]. Шундай экан, ELFнинг ҳар бир кўринишида алоҳида қоидалар гуруҳига эга бўлган норма тизимини излаш самарасиз ва хавfli ёндашувдир.

Бу хавф, энг аввало, тил таълими, тилни ўрганишига бўлган интилиш ўз моҳиятини йўқотишида кўринади. Зотан, инглиз тилини ўрганаётганларнинг ҳар биридан тил ўрганилишидан мақсадини сўрасангиз, улар бунни “ушбу тилнинг халқаро коммуникация воситасига айланганлиги” билан изоҳлаши турган гап. Ушбу мақсадга эришиш ва мулоқот қобилиятига эга бўлиш учун чегараси аниқ бўлмаган, меъёрлашмаган қоидалар тизимини қандай ўргатишни тасаввур қилиш мушкул. Инглиз тили грамматикасига оид машҳур дарсликларнинг муаллифларидан бўлган Рандольф Квирк кўп мартаба инглиз тилини ўрганувчилар учун, улар қандай вазиятда бўлишидан қатъи назар, ёзма ва оғзаки нутқда бир хил

даражада аҳамиятга эга бўлган “монохром стандарт шаклларга” амал қилиш лозимлигини таъкидлайди [Quirk 1995:6]. Чет тилида равон, тушунарли ёзиш ва сўзлашиш кўникмасини шакллантириш учун аниқ кўринишдаги меъёрларни танлаб олиш муҳимлигини ҳеч ким инкор этмаса керак, лекин таянч нукта вазифасини ўтаётган стандарт монохром, яъни “бир бўёққа бўялган” бўлишини тасаввур қилиш қийин.

“Стандарт тил” тушунчасига бу хилдаги статик, турғун нуктадан назардан қарашнинг сабаби унинг фақат ёзма нутққа оидлигини эътироф этиш тажрибаси билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас. Бинобарин, тилшуносларнинг изоҳича, инглиз тилининг стандартлашуви XVII аср охирларидан, яъни китоб чоп қилиш технологияси ихтиросидан бошланиб, ёзма матнлар кенг миқёсда тарқалиши натижасида кодификация ва қоидаларга бўйсиниш амаллари “оғзаки нутқдан кўра кўпроқ ёзма нутқ нормаси ва услубиятини шакллантиришга хизмат қилган” [Milroy and Milroy 1985:37].

Стандартлашувнинг узоқ вақт кечадиган тарихий жараёنлиги тўғри, бироқ бу жараёнда оғзаки нутқ қоидалари ҳам шаклланиб ва янгиланиб бориши муқаррар. Нутқий мулоқот жараёнида қоидалар тизимига амал қилмаслик тушунмовчиликлар туғилишига, мулоқотнинг самарасиз тугашига сабаб бўлади. Стандарт тил шаклланиши тўрт асосий босқични ўз ичига олади: а) норма ёки қоидалар танлови; б) қўлланишнинг турли вазиятларига мослашиш; в) кўпхиллиликни чегаралаш; г) грамматика ва лугатда кодификация қилиш (акс топиш) [киёсланг: Wiley 1996:111]. Кўпхиллик охириги босқичнинг муҳимли-

гини эътироф этиши шубҳасиз. Меъёр кўпхиллилик, турлича товланишни ёқтирмайди ва шунинг учун ҳам у универсал тизимга эга бўлиши учун бироқ жойда махсус қайд этилиши зарур. Фақат шундагина биз стандарт тизимга эга бўлишимиз мумкин.

Тил ва мулоқот меъёрларининг шаклланишига турли ижтимоий, расмий ташкилотлар билан бир қаторда, адабиёт, магбуот, санъат, телевидения, радио, электрон алоқа воситаларининг хиссаси қатта. Шу билан бирга, ҳозиргача таълим тизими, ўқув юртлари стандарт тил тарғиботининг асосий манбаси ва майдони бўлиб қолмоқда. Айнан ўқув юртларида тил таълими соҳасида қўйилаётган талаб – меъёрий қоидаларга ўргатиш ва уларга риоя қилишдир. Ўқитувчилар маъсулияти ўқувчиларни “тўғри сўзлашиш ва ёзишга” ўргатиш билан боғлиқ. Аммо норма турғун ҳодиса эмас, тилдаги ўзгаришлар, муқобилликларни инобатга олмайдиган стандарт тўлиқ маънодаги таълим манбаси вазифасини ўтай олмайди. Лисоний шаклларнинг полифункционаллигини, уларнинг танлови мулоқот муҳити, вазияти, мақсадига нисбатан кечиши лозимлигини унутмаган ўқитувчигина моҳир педагог бўла олади. Педагогнинг маҳорати стандарт доирасидан чиқмасдан туриб, ўқувчиларда турли лисоний шакллардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган услубларни яратиш ва уларни амалиётга тағбиқ этишида намоён бўлади.

Айтиш жоизки, меъёрий қоидаларга амал қилиш нафақат чет тили таълимида, балки она тилини ўқишда ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир. Таълим жараёнида алоҳида тил вариантларига таяниш, худди

шеваларга асосланишдек, ҳеч қандай нажижага олиб келмаслиги кўп бора ўз ибботини толган. Шу ўринда, АҚШ таълим тизими мутахассислари ўртасида кечган бир мунозарани эслаб кўрайлик. Утган асрнинг 60-йилларида айрим мутахассислар қора танлиларни мактабда *African-American* вариантга ўқитиш кераклигини ва бунинг учун махсус ўқитувчилар гуруҳларини тайёрлаш талабини ўртага ташлади. Бу талаб шунчаликга бориб етдики, 1979 йилда қора танли болалар номидан ҳаракат қилаётган даъвогарлар АҚШнинг барчага таниш расмий таълим ташкилоти *App Appog Board of Education* билан судлашишга аҳд қилди. Хайриятки, судда эксперт сифатида қатнашган тилшунослар таълимда стандарт инглиз тилидан воз кечиб, алоҳида вариантга мурожаат қилиш номаскул йўл эканини ибботлай олди. Қора танли ота-оналарнинг ўзлари ҳам болаларининг саводхон бўлиши, сифатли таълим олишини исташи аниқ бўлди [қаранг: *Stawford 2002*].

Инглиз тилини ўрганаётганларнинг аксарияти саводхон бўлишга умид боғлашади ва бунга эса фақатгина стандарт инглиз тилига асосланган таълим жараёнида эришиш мумкин. Айни пайтда *ELF* вариантлари шаклланаётган муҳитга хос миллий-маданий хусусиятлар, баъзи лисоний кўчимларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лекин тил тизимида табиий равишда кечадиган ва унинг ривожига хисса қўшадиган силжиш, ўзгаришларни турли “бузилиш”лардан фарқлаш талаб қилинади, акс ҳолда, нутқ маданияти тарғиботчилари айтганидек, *ELF*даги “касалликлар” стандарт инглиз тилини “ифлослантириши” ва кенг миқёсда

ёйилиб, “ҳақиқий инглиз тилини босиб олиши мумкин” [*Lindemann 2005:193*]. Тўғри, стандартга бундаражада тобе бўлиб қолиш ҳам хавфли, чунки бундай вазиятда тил ўрганаётган шахс воқелик дунёсидан узоқлашиб, ҳаёлдаги идеал дунё шахсига айланаиб қолиши мумкин. Бундан ўттиз йиллар муқаддам “*The New Englishes*” китобининг муаллифлари “янги инглиз тилларини” ажратишда таянилиши лозим бўлган асосий кўрсаткичлар уларнинг маълум хулудда юқори мақомга эга бўлиши ҳамда ягона бир миллат вакиллари ўртасида мулоқот воситаси хизматини ўташи билан боғлиқлигини қайд этган эди [*Platt, et.al. 1984:6*]. Улардан бироз олдинроқ инглиз тилининг Сингапурдаги мақоми ҳақида ёзган *T. Ламсон* янги вариантни экологик, тарихий, социолингвистик ва маданий омилларга асосланган ҳолда ажратишни таклиф қилгани ҳам маълум [*Lamson 1983*]. Экологик кўрсаткичлар маҳаллий тилдан ўзлаштиришлар мавжудлигига ишора қилса, социолингвистик хусусиятлар янги вариантнинг хусусий мулоқот муҳитларида (масалан, оилада ёки дўстлари даврасида) қўлланишини акс эттиради. Маданий фактор, ўз навбатида, *ELF*да битилган бадий асарларнинг миллий адабиётдан ўрин топишида намоён бўлади.

Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни фақат инглиз тилининг Ҳиндистон, Сингапур, Малайзия, Филиппин каби мамлакатлардаги вариантларида аниқ кўриш мумкин. Инглиз тилининг бошқа Осиё ва Африка мамлакатлари бўйлаб ҳозирги кенг тарқалиши вазиятларида эса санаб ўтилган кўрсаткичлар ҳозирча муқимлашиб улгурганича йўқ. Маълум бир

тилинг худуддаги қўлланишини мустақил вариант (ёки тил) сифатида эътироф этиш лингвистик кўрсаткичлар билан бир қаторда, сиёсий-ижтимоий омиллар билан ҳам боғлиқ. Хукумат, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар тамонидан расман тан олинмаган, таълим тили сифатида қабул қилинмаган “вариант”га мустақиллик мақомини тақдим этишга ким ҳам жазм қила олади?! Тил ва унинг вариантыга эгаликка даъвогар ундан ўринли, оқилна фойдалана олиши ҳамда нутқи ва ёзувида нималар тўғри ёки нотўғри эканини баҳолашда четдагилар фикридан кўра, ўз билимига, ақлу идрокига таяниши керак. Бундан ташқари, тилдаги инновацион ўзгаришларни лисоний жамоа тамонидан норма тизимига киритиши ҳам муҳим омилдир.

Тилдаги ҳар қандай силжиш ҳам янгилик даражасига ета олмайди, ўзгариш инновация сифатида эътироф этилиши учун меъёрлашиши ва норма тизимдан жой олиши даркор. Инновацион ўзгаришнинг меъёрлашуви қуйидагиларга асосан аниқланади:

- демографик омил (янгиликдан кимлар ва қандай кўламда фойдаланмоқда?);
- жуғрофий омил (янгилик қайси худудда ва қай даражада тарқалган?);
- кодификация омили (яъни грамматика қўлланилган, луғатлар ва бошқа ёзма манбаларда қайд этилиши);
- расмийлаштирилгани (имтиҳон, тест манбаларида киритилгани ва расмий ташкилотлар тамонидан тан олинishi);
- синовдан ўтгани ва тан олинishi. [қйёсланг: Bangosi 1998:3-5].

Вариантларни ажратишда кўрсатилган омилларга амал қиладиган бўлсак, мамлакатимизда амалда бўлган инглиз тилини мустақил вариант сифатида қараш қийинлашади. Зеро, бу “вариант” халқаро алоқалар кўламида шаклланиб бормоқда ҳамда кечаётган грамматик, лексик силжишлар инновацион ҳодиса мазмунига эга бўлгани йўқ, улар луғатлардан ўрин эгалламастан, балки нутқдаги “ноқислик” сифатида қайд этиб келинмоқда. Аслида, ҳозирги кунда мамлакатимизда инглиз тили тест синовларининг миллий тизимини яратиш борасида жадал харакаатлар амалга оширилиб, фаоллик кўрсатилаётган бир пайтда тил тизимида яққол кўзга ташланадиган инновацион ҳолатлар (масалан, саналмайдиган отларнинг саналадиган отлар қаторига ўтиб қолишни – *infomations, advices, staffs, etc.*) инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланишда лисоний ижодкорлик, бунёдкорликнинг ўз ўрни бор ва бу ижодкорлик намуналарини тиллараро трансференция ёки инференция ҳодисалари занжирига боғлаб қўйиш самара бермайди. Тилларнинг ўзаро таъсири ижобий кўриниш олиши мумкинлигини ҳеч ким инкор этгани йўқ. Д.Кристаллнинг сўзларига ишонадиган бўлсак, “она тили элементларининг *жаҳон оғзаки инглиз тили стандартига* (World Standard English) таъсир кўрсатишига ҳеч нарса халақит бермаса керак” [Crystal 2010:188].

Худди шунингдек, инновацияларнинг табиий равишда кечиши лисоний меъёрлар доирасини кенгайтириб, тил тизими имкониятларини бойитади. Аммо инновация таъсири бошқача йўналиш олиши ҳам

мумкин. Д.Кристаллнинг фикрича, Европада инглиз тилининг ривож ва Eugo Englishнинг моҳияти ўзгаради, чунки “немислар, французлар, греклар ва бошқа миллат вакиллари бир-бирлари билан мулоқотга киришишида ўз она тилларига хос интерференция моделларидан фойдаланадилар” [Crystal 2003: 182]. Аммо бундай фойдаланиш интерференция хусусиятига эга бўладиган экан, муаллиф айтётган “янги стандартлашув шакллари” пайдо бўлишидан қочинч керак бўлади. Акс ҳолда, умумқабул қилинган ва миллатлараро мулоқот учун маъқул келадиган “ягона дунё инглиз тили” (Single World English) нинг шаклланишига умид қилмаса ҳам бўлади. Тил — кўлқиррали, кўп вазифали ҳодиса, монолитлик унинг табиатига хос эмас.

ELFнинг ёки халқаро инглиз тилининг ягона вариантини кидириб юрганлар ҳам кам эмас. Жумладан, С.Мафни, инглиз тилининг, Осиё ва Африка тиллари билан алоқаси натижасида касалланиб, “ноқонуний тарқалиши юзага келганини” таъкидлаб, унинг қадимги даврлардан бўён ривожланиб келётган ягона тил эканини эътироф этишга ундайди [Mufney 2001:201]. Юқорида эслатилган “English in the World” тўпламининг муҳаррирлари (муаллифлари) эса халқаро мулоқот тилининг полиморфик хусусиятга эга бўлишини тўлиғича инкор этиб, бу тил “монолит стандарт инглиз тилининг қисқартирилган ёки кенгайтирилган модели” эканини кагъият ила қайд этади [Rubfy, Sagaseni 2006:7]. Бундай ёндашув қанчалик даражада танқидга учраётган бўлмасин [қаранг: Seidlhofer 2006; Jenkins 2006], бу борада тадқиқотчиларнинг “келишуви”га шароит яратади-

ган асосли таклифлари камдан-кам учрайди. Ҳатто, ҳозиргача ELFнинг мақомини муқим белгилловчи бирон бир аниқ тавсифни топиш қийин бўлмоқда. Деман, ELF вариантларини тил ўрганувчиларнинг ўқув режасига киритиш, улар асосида тест синовларини шакллантириш масаласини “кун тартибига” киритишга уринишнинг мавриди эмас. Шу билан бирга, бу вариантларга мослашиш, уларнинг лингвистик ва этномаданий хусусиятларини назардан кочирмаслик лозим. Ҳозирги пайтда амалда бўлган Internet асосли тестлар (масалан TOEFL IBT) ва миллий тест тизимизда (CEFR) read-listen-speak ҳам listen-speak йўналишидаги тест синовларига анъанавий маънодаги оддий “сўзлашиш” (speaking) талаби эмас, балки турли манбалардан ахборот жамлаш, ушбу ахборотни “қайта ишлаш”, муаммо ечимини топиш, билдириляётган фикрни асослаш каби вазифалар қўйилди. Бундай талабларга жавоб берадиганлар, сўзсиз, ҳақиқий таълим муҳитида ва бошқа мулоқот шароитларида фаолият юритиш малакасига эга бўлади. Бироқ тест синовлари материали қаердан ва қандай танланиши масаласи муаммолидир. Агарда бу материал фақат стандарт тил тизимидан олинса, маҳаллий вариантларнинг таълим манбаси бўла олиши мумкинлиги ҳақидаги фаразни тамоман инкор этишга ва, умуман, уларнинг тарқалиши ёки ривожини бутунлай йўққа чиқаришга олиб келмасмикан?!

Гумонимиз асоссиз эмас, чунки ELF вариантлари ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини, улар ўз ижтимоий-сиёсий мақомига эга эканлигини эътироф этувчиларнинг ишлари методологик жиҳатдан пухта асосланган эмас, улар билдиришяётган назарий

фикрлар ҳам амалий жиҳатдан асосланмай қолмоқда. Назарий ғояларнинг аниқ материал асосида изоҳланиши кам учрайди. Натигада, ҳатто ELF вариантларининг нисбатан кенг тадқиқ қилинган соҳаларидан бўлган талаффуз меъёрларига оид назарий ҳулосаларнинг кўпчилиқ қисми ҳақиқатдан йироқ, тадқиқотчиларнинг ҳаёлпараст мулоҳазаларидек туюлади. Бинобарин, World Englishes журнали таҳририяти ташаббуси билан ўтказилган мунозара ишги-рокчиларидан бирининг фикрича, “талаффуз нормаларини шакллантириш ва тарғиб қилиш борасидаги ҳозирги уринишлар самарасиз”, чунки “кеча Европа Иттифоқи бизнес жамоасида қабул қилинган норма эртага Сингапур ёки Аргентинадагиларга маъқул келмай қолиши мумкин” [Savignon 2003:72]. Шу фикрни илгари сураётган фонетистлар талаффуз нормаларини батамом сўзловчи ихтиёрига ташлаш тарафдори бўлиб, инглиз тилига эгаликни (ownership of English) ELFдан фойдаланувчиларга топшириш фикридан унчалик йироқ эмас [қаранг: Harris 2002; Kellog 2002]. Корпус тилшунослигининг ELF вариантларига кизиқиши йўқлиги сабабли инглиз тилини lingua franca сифатида ўқитиш моделини амалиётга татбиқ қилиш имконини берадиган лингводидактик тавсиялар мажмуасини тузиш ўта қийин вазифа бўлиб қолмоқда (ҳозирча бундай моделнинг ўзи ҳам яратилмаган).

Сўнги йилларда бу борада бироз силжишлар ҳам сезилмоқда. Жумладан, Япониянинг баъзи университетларида ташкил қилинган магистрик курсларидан ELFнинг алоҳида қисмлари ўргатилмоқда [Yoshikawa 2005; Seargeant 2005], ELF хусусият-

ларини эътиборга олган ҳолда ўқув кўлланмалар яратилмоқда. Шунингдек, ушбу тил вариантларининг тизимий, коммуникатив ва лексикограмматик хусусиятларини ёритиш мақсадини кўзлайдиган тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Буларнинг барчаси ELF вариантлари дунёдаги лингвистик вазиятнинг ажралмас қисми эканидан дарак беради. Ушбу вариантларнинг ҳаргарафлама таҳлил ва тадқиқ этмасдан туриб, тилшунослиқда ва айниқса, тил таълими соҳалари (лингводидактикада)да юқори самарага эришиш қийин.

1.3. Дунё инглиз тилларининг лингвистик мақоми

XX асрнинг охиригى ўн йилликларига келиб, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари инглиз тилининг дунё бўйича тарғиботини давлат сиёсатиға айлантиришди. Жумладан, Британия ҳукумати 1998 йилда Бош Вазир Т.Блэрнинг ташаббуси билан инглиз тилини *lingua franca* сифатида хорижий мамлакатларда ўргатилиши учун беш миллион фунг стерлинг миқдордаги маблағ ажратди. “Блэр ташаббуси” (*Blair initiative*) деб ном олган ушбу лойиҳани бошқалар ҳам кўллаб-қувватлай бошладилар. Ҳа пайтларда ҳукуматда таълим ва меҳнат вазири лавозимида бўлган Давид Бланкетт тил билимининг мамлакат иқтисодий ривожини учун муҳим эканлигини эътироф этган ҳолда, бизнес соҳаси етакчиларини инглиз тили ривожини ва унинг дунё бўйлаб тарқалишини “капиталлаштириш” (*capitalise*)ға чақирди [қаранг: The Observer газетаси 2002 йил, 29 октябр сони]. Ҳозир-

ги кунда бу турдаги ташвиқотлар узлуксиз давом этмоқда, АҚШ ва Буюк Британиядаги турли ижтимоий ва давлат ташкилотларининг фаолияти ҳамда сурункали таклиф қилинаётган лойиҳаларнинг мақсади айнан шу соҳани ривожлантириш, мустақкамлашга йўналтирилган. Бунга мисол тариқасида Британия Кенгашининг фаолиятини келтиришимиз мумкин. Ушбу ташкилотнинг биргина бизнинг мамлакатимиз миқёсида бажараётган лойиҳалари сонни ва уларнинг ижроси учун сарфланаётган маблағ миқдори хайратланарли даражада кагга. Шундай бир шароитда инглиз тилининг ҳалқаро мулоқот воситаси, дунё тилига айланиши муқаррар бўлиб, ҳеч кимни ажаблантирмай кўйди.

Бирок ҳар қандай тил “дунёвий” мақомни олиши учун ҳалқаро миқёсда, ундан фойдаланаётганларнинг барчаси учун етарли даражада тушунарли, мулоқот мақсадига эришишни таъминлайдиган манба бўлиши талаб қилинади. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳалқаро мулоқот воситаси вазифасини бажарадиган тил ҳамма томонидан эътироф этиладиган ва барча учун таниш, яқин меъёрий кўринишга эга бўлиши шарт. Акс ҳолда, мулоқот мақсадига эришиш мушкуллашади, турли “ноқулай” ҳолатлар содир бўлади. Матбуотда эълон қилинган мақолалардан бирида шундай ноқулай воқеалар ҳақида берилган хабарни учратдик: *Korean Airlines* компанияси самолётларнинг автоматик бошқарувида Францияда тайёрланган стимулятор ускунасини маъқул кўрибди, чунки уларнинг инглиз тилиси Англияда тайёрланганларидан кўра тушунарли ва аниқ эмиш. Воқеа ҳақиқатдан ҳам қизиқ ва ажабланарли. Аслини олганда,

ажабланишга асос йўқдек, зеро тилнинг тарқалиши ва тақсимоли бир текис ёки бир маромда кечмайди. У тилларо, маданиятларо муносабатлар, алоқалар доирасида содир бўладиган жараёндр. Ушбу алоқалар замирида турли маданий ва социоллингвистик кўчимлар юзага келадики, улар инглиз тилидан чет тили сифатида фойдаланувчиларнинг лисоний қобилияти тил эгалариникидан бошқача кўриниш олишига сабаб бўлади. Шунингдек, иккинчи тилни ўрганаётганлар уни, бир томондан, “маданиятнинг кенгайиши” (*enculturation*) доирасида ўзлаштирса, иккинчи томондан, шу маданиятга мослашади. (*aculturation*) [ушбу тушунчалар фарқланишини қаранг: Saville – Troike, Johnson 1995:239]. Маданий мослашувсиз ўзлаштирилган қобилият мулоқот кўникмалари, қоидаларини тўлиқ шакллантира олмайди ва мулоқот мухитида турли тушунмовчилик содир бўлишига сабаб бўлади. Шундай ҳолатлар ҳатто юқори мансабдаги шахсларнинг расмий учрашувларида ҳам юзага келиши мумкин. Америкалик тадқиқотчи Н.Волфсон шундай ҳолатлардан бири-ни эслатиб ўтган эди: АҚШнинг собиқ президенти Ж.Картер Францияга ташриф буюрган пайтида француз расмий шахсларидан бирини ўз вазифасини аъло даражада бажараётганлиги учун мақтаган. Эртаси кунлик ушбу мақтов француз матбуотида ўзга давлат ички сиёсатига аралашув сифатида баҳолалиб, шов-шув кўтарилган эди. Умуман, америкаликларга хос суҳбатдошларини тинимсиз мақтаб туриш ва хушомад кўрсатиш одати кўпинча бошқа маданиятлар вакиллари томонидан “ўзини кўрсатиш, қандайдир бир яширин мақсадларни кўзловчи

самимийлик” усули сифатида қабул қилинар экан [Wolfson 1989:23].

Дарҳақиқат, инглиз тилини дунё бўйлаб қандай ўргатиш, ўрганиш, уни қандай меъёрда билиш, унинг қайси кўринишдан фойдаланиш масалалар жумбоғлигича қолмоқда. Мазкур ўта долзарб масала устида бош қотираётганлар ҳали озчиликни ташкил қилмоқда. Баъзилар бу муаммо тўғрисида шунчаки эслатиб қўяётган бўлса, бошқалар эса унинг муҳокамасидан ўзларини олиб қочмоқда.

Муҳокамага мухтож масалалар кўп, лекин улардан хозирги кунда энг муҳимларини танлаб олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Энг аввало, хорижий тил сифатида ўрганилаётган инглиз тилининг лингвистик мақомини аниқлаб олишимиз керак. Тилнинг мақомини аниқлаш эса, ўз навбатида, унинг ижтимоий-сиёсий моҳиятини белгилаш билан боғлиқ. Моҳият ва мақом белгиланиши ўз-ўзидан дунёга тарқалаётган инглиз тилининг қайси ҳудудларда алоҳида вариант сифатида ривожланаётганини ва вариантларнинг стандарт тил билан муносабатини ўрганишга имкон беради. Шу билан бирга, турли мамлакатларда турли кўринишда қўлланилаётган инглиз тилининг қайси жиҳатларини меъёрий намуна сифатида қабул қилиш мумкин-у, қайсилари нормага нисбатан хато эканлигини аниқлаб олиш ҳам муҳимдир.

Ниҳоят, юқорида санаб ўтилган масалалар муҳокамаси яна бир ўта муҳим бўлиб турган муаммонинг ечимини излашга асос яратади. Бу муаммо инглиз тилини чет тили сифатида ўргатишда асосий манба стандарт инглиз тили тизими сақланиши маъқулми

ёки алоҳида вариантлар материалдан фойдаланиш самара берадими, мазмунидаги саволга жавоб топишидир. Равшанки, айтилган масалалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, уларнинг бирини иккинчисидан ажратган ҳолда ўрганишнинг имкони йўқ. Ушбу ишда қайд этилган масалалар юзасидан баъзи мулоҳазалар билдирилади ва мазкур боғлиқликни эътибордан қочирмасликка ҳаракат қилинади.

Инглиз тилининг дунёга тарқалишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганишга қизиққан асли турк миллатига мансуб бўлган ва ҳозир АҚШда истиқомат қилаётган олимлар гуруҳи “инглиз тили жуда ҳам тез суръатларда ўз миллий-маданий асосидан узоқлашиб бориб, глобал маданият билан боғланиб қолмоқда”, деган фикрни билдирди [Doughty, et al.2006:9]. Глобаллашув жараёни маданиятларни бир-бирига яқинлаштириши, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириши аниқ. Аммо интеграллашув маданиятнинг миллий хусусиятларини йўқотиш дегани эмас. Ёки хорижий тилни ўрганаётганлар ушбу тил эгаси бўлган миллатнинг маданиятига қоришиб кетмасдан, балки унга мослашади ва бу мослашув эркин мулоқот юритиш мақсадини кўзлайди. Юқоридаги олимлар гуруҳи айтган “умумий дунёга бириқишга интилиш” эса баъзи ғарблик сиёсатчилар тинмасдан тарғиб қилишаётган “оммавий маданият”ни эслатади. “Оммавий маданият” ғояси инсоният ривожини инқироз сари судрайди. У худди “ягона тил” тушунчаси каби ботиний пуч ғоя, пойдевори йўқ ҳаёлдир. Шу боис, хорижий тил мақоми ва унинг вариантлашуви моҳиятини “оммавийлик” кўзгусида эмас, балки умумийлик ҳамда алоҳидалик муноса-

батада, таъбир жоиз бўлса, уларнинг диалектикасида кўрмоғимиз даркор. Зотан, алоҳидалик хусусияти ҳар доим умумийлик доирасида равшанлашса, умумийлик эса, ўз навбатида, алоҳидалар қиёсида, уларнинг маълум хусусиятлар замирида ўзаро яқинлашуви, муқобиллашувида намоён бўлади. Лисоний ҳодисалар таҳлилида ушбу қонуниятга амал қилиш, объектларнинг барча жиҳатларини бир хилда назарга тутадиган “ва”–“ва” диалектикасини татбиқ қилиш унумли эканлиги миллий тилшунослигимиз вакилларининг ишларида ҳам ўз исботини топмоқда (қаранг: Сафаров 2007; Набиева 2007). Дунёнинг турли худудларида хоржий тил сифатида тарқалётган инглиз тилининг мақомини белгилашда ҳам худди шу йўлдан бориш маъқул кўринади.

Кўптиллилиқ ҳодисасига оид тўпламнинг муҳаррирлари А.Павленко ва А.Блэкджеларнинг қайд этишича, “лисоний амалиётнинг ҳар қандай таҳлили тил танлови ва қўлланишининг қоида-қонуниятлари қай йўсинда яралиши, татбиқ қилиниши ва ўзгаришини ўрганишга эҳтиёж сезади ҳамда тил сийёсатчилари маълум амалларни қандай баҳолашлари, қонунлаштиришларини, шунингдек, уларнинг инсонлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатишини англашга ундайди” [Pavlenko, Blackledge 2004:6]. Дарҳақиқат, лисоний фаолият маълум қонун-қоидалар доирасида кечади ва узоқ давр мобайнида шаклланган ушбу қоидалар инсонларнинг ўзини тутиши, ҳаёт тарзида ўз аксини топади, асрлар давомида жамланган миллий-маданий билим доирасидаги қадриятлар, анъаналар назоратида бўлади. Ушбу билим, ўз навбатида, “сақланадиган”

(*conserving*) ва “кенгайдиган” (*extending*) турларга ажралади. Сақланадиган билимга хос маданиятларда таълимда кўпинча репродуктив машғулотларга, яъни ёд олиш ва такрорлаш стратегиясига урғу берилса, кейинги гуруҳларда эса, турли ғоя, ҳулосаларга изоҳлар бериш, шунингдек, саволлар қўйиш ва уларга жавоб кидириш стратегияси олдинги ўринга чиқади. Демак, таълим олишга интилиш олинадиган “билимга ва унинг жамиятда бажарадиган вазифасига нисбатан бўлган мунособатга боғлиқдир” [Ballard, Clanchy 1991:23]. Шу сабаб бўлса керак, турли маданият вакиллари нутқий мулоқот матнида билдирилаётган фикрни изоҳлашнинг турли йўлларини танлайдилар. Масалан, тадқиқотчиларнинг кузатишларича, Farb университетларида талабалардан фикр баёнида тўртта асосий талабга риоя қилиш сўралади. Булар қуйидагилар: изоҳ аниқ мақсадга йўналтирилиши, матн билан тўлиқ танишиш натижасида шаклланиши, аниқ фактларга асосланиши ва, ниҳоят, профессионал даражада тақдим этилиши (ор.сйт., р.30). Бошқа маданиятларда эса изоҳлаш амалиёти матнга танкидий ёндашувдан узоқроқ туради, бу ишни бажараётган талаба, бошқалар фикрини такрорлаш, олдинги матнлардан иқтибослар келтиришни маъқулроқ кўради. Шунингдек, ёзма топшириқлар натижаларида ҳам чет тилдаги мулоқотда миллий-маданий кўрсаткичлар ўз аксини топаётгани кузатилади. Масалан, ўзбек талабаларидан укасини қандай яхши ўқишга ишонтириш мумкинлигига ёзма изоҳ бериш сўралганда, ўз жавобларида кўпроқ таълимнинг миллат раванки учун аҳамиятига тўхталган бўлса, рус мил-

латига оидлари эса, билим олиш ҳар бир шахснинг келажагига йўл очишини таъкидлаган.

Турли миллат вакилларининг воқелик ҳақида ўз тасавури, тажрибаси борлигини тасдиқловчи мисолларни кўлаб келтириш мумкин, албатта. Бундай фарқлар олами лисоний киёфа топишида ва лисоний тафаккур фаолиятида ўз аксини топмасдан қолмайди. Ўз маданий оламига ва унинг лисоний киёфасига эга бўлган шахснинг чет тилини ўрганиш орқали бошқа маданият оламига кириб бориши осон кўчишига ҳеч қачон ишониб бўлмайди. Чет тилини ўрганаётган ўқувчи ва бошқа шахслар синфга ўз маданий-лисоний “юк халтасини” орқалаб қиради ҳамда унинг мулкани, ўзгалар захирасидан фойдаланган ҳолда бойитишга интилади. Хорижий тил таълими том маънода “маданиятлар учрашуви” (баъзилар ўйлаганидек, “тўқнашуви” эмас) майдонига айланади. Шундай бир шароитда “Ўқитувчилар ўқувчиларини кимнинг маданияти ва тилига ўргатиши лозим?”, деган саволнинг туғилиши табиий. “Савол оддий-ку, сўзсиз чет тили эгаси бўлган миллат маданиятига ўргатишимиз, уни ўзлаштиришга кўмаклашимиз керак”, деган жавобни кўпчиликдан кутса бўлади. Ҳақиқатдан ҳам шундайлигига шубҳа билан қараб, бунда лисоний-маданий ҳукм ҳолати содир бўлишидан хавфсирайдиганлар ҳам йўқ эмас. Улардан баъзиларининг наздида, қандайдир бир танлаб олинган, алоҳида гуруҳга хос маданият (culture in common) таълим объекти бўлиши ва шу маданият кўламида тил билими баҳоланиши ёки текширилиши керак, (Williams 1987), К.Уолтерс, Е.Оэрбах кабилар эса [Walters 1992; Auerbach 1993], ўқув материаллари

танлови “умумий маданият” (common culture) ни ўзлаштиришга қаратилиши лозимлигини тасдиқлайдилар.

Назаримизда, мунозара “аркони” ни тортаётганларнинг ҳар икки томонидагилари ҳам бир хилдаги хато тавсияларни таклиф қилапти. Маданиятнинг “ҳамма учун танишини” “умумийсидан” қандай фарқлаш мумкин? Маданиятнинг мураккаби ёки оддийси бўлмайди. Ҳар бир миллий маданият ўз мураккаблигига эга, унинг миллийлиги ўзига хос хусусиятлар дастаси мавжудлиги билан белгиланади.

У ҳолда юқорида кўйилган нимани (қандай маданиятни) ўрганишимиз ва ўргатишимиз ҳақидаги саволга қандай жавоб излаш керак? Таълим жараёнида ўқув материалининг танлови маълум меъёрларга асосланиши лозимлиги асосий лингводидактик талаб эканини унутмаслигимиз лозим. Меъёрсиз танланган материал таълимнинг самарасини пасайтиради ва бу самарадан ҳеч ким (ўқитувчи ва ўқувчи бир хилда) коникмаслиги аниқ. Турли лисоний-маданият вакиллари инглиз тилини ўз она тили таълирисиз талаффуз қилганида ўзларига қонқиш хосил қилиши ва бунга бошқалар томонидан ҳам ижобий баҳоланишини тадқиқотчилар кўп бора қайд этган [қarang: Lippigreen 1997]. Лисоний фаолиятда миллий ўзлиқнинг ифода топиши борасида тадқиқотлар олиб борган социоллингвист олим Ж.Жозефнинг кутатишича, *Hong Kong English* атамаси ҳагто ҳозирги Гонгконгнинг ўзида ҳам салбий садага эга бўлиб, хорижий тилда сўзловчиларнинг ҳагоси, стандарт инглиз тили меъёрларидан чекиниши сифатида қабул қилинар экан. Шу боис, ушбу атаманинг инглиз

тилининг алоҳида вариантыга нисбатан қўлланиши мумкинлиги кўп жиҳатдан инглиз тили ўқитувчиларига боғлиқ эмиш. “Инглиз тили ўқитувчилари, – деб ёзади бу тадқиқотчи, – қачонки ўқувчиларнинг доимий равишда йўл қўяётган хатоларини Гонгконг аҳолиси ўзлигининг тилда намоён бўлиши сифатида қабул қилган тақдирдагина *Hong Kong English* шакланганини ва стандарт инглиз тилининг тўлақонли вариантыга айланганини эъгироф этишга замин яратилади” [Joseph 2004:160].

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, юқоридаги фикр инглиз тили мулоқот воситасида расман эъгироф этилган ва расмий тил сифатида ўқитиляётган худудга оид. *Hong Kong English* инглиз тилининг варианты сифатида қабул қилингани, ундан матбуотда фойдаланиляётганини социолингвистлар узлуксиз қайд этиб келмоқда. Аммо кўпчилиқка таниш Б.Качру таснифида инглиз тили тарқалишининг тобора кенгайиб борадиган доирасига (*expanding circle*) алоҳида ўрин ажратилганини инobatга оладиган бўлсак, бу доирага кирадиган “дунё инглиз тиллари”нинг мақоми бошқа вариантларникидан тубдан фарқ қилишини унутмаслигимиз лозим. Дунёнинг барча қитъалардаги қарийб барча мамлакатларда кенг миқёсда тарқалаётган бу кўринишдаги инглиз тили ҳали вариантлар шаклини олиб улгургани йўқ, десак хато қилмаймиз. Бунинг сабабларига тўхталиб ўтирмасдан, hozирча бирор бир вариантнинг шаклланиши учун маълум гуруҳдаги инсонлар ўзларини шу вариантда сўзловчи жамоанинг (агарда шундай жамоа мавжуд бўлса) аъзоси сифати хис қилиши кераклигини айтиб ўтмоқчимиз. Бу инсонлар ўзлари

танлаган “иккинчи дунё”нинг либосини кийишлари керак бўлади [қиёсланг: Pavlenko, Lantloff 2000: 169]. Шу билан бирга, янги либосни кийиш миллий ўзлиқни йўқотишга олиб келмаслиги даркор. Бу эса тилни ўзлаштиришни Донаго ўйлаганидек, бошқа маданиятга кўчишга [transformation – Donato 2000:46] тенглаштирмасдан, балки унга оддийгина мослашиш кўламида қарашга ундайди.

Тилларнинг вариантлашуви уларнинг ривожини, ўзаро алоқалари натижаси бўлиб, турли ижтимоий-сиёсий, маданий ҳодисалар оқибатида юзага келади. Вариантлашув лингвистик вазиятни ўзгартириши мумкин, лекин ҳар қандай янги вазиятда ҳам вариантлар ўз манбаси – миллий тилдан тамоман ажралиб кета олмайди. Инновацион ўзгаришларга учраётган вариантлар “ўзак” тил назоратида меъёрлашадилар ва шу меъёрлар доирасида фаоллият кўрсатади. Вариантлашиш ўз-ўзидан, факуллодда кечадиган ҳодиса ёки жараён эмас, ушбу жараён ҳам тараққийёт ва ижтимоий ҳаётнинг синергетик қонуниятларига мос равишда содир бўлади. Синергетик қонуниятлар эса ҳодисалар динамикаси, ҳаракат ва фаоллиқнинг узлуксиз давом этилишини тақозо этади. Демак, кенг миқёсда тарқалаётган доирадаги “дунё инглиз тиллари” кўпчилигининг мақоimini синергетика фалсафасига оид категорияларга таъянган ҳолда аниқлаш мумкин. Юқорида бирон бир тил вариантынинг моҳияти ва мақоimini белгилашда ушбу вариантдан фойдаланувчиларнинг шахсий фикрларини билиш муҳимлиги қайд этилди. Чунки, инсонлар ўзларини бошқаларга қиёслаш йўли билан қайси лисоний гуруҳга оидлигини кўрсатиш

ва бунинг билан ижтимоий мақомини белгилашга ҳаракат қилади. Шу боис, биз ҳам кичик бир сўровнама ўтказдик. Сўровнома баъзи олдинги ўтказилган тадқиқотлар тажрибасига таянган ҳолда тузилиб [Jenkins 2005], унга ўзлари фойдаланаётган инглиз тилининг *British English* стандартларига қанчалик даражада мос келиши ва унинг алоҳида вариантга хос хусусиятлари мавжудлиги (ёки мавжуд эмаслиги)га оид саволлар киритиб иштирокчиларга тарқатилди. Иштирокчилар сифатида ўзбек, рус, украин, хитой, корейс, япон, индонезиялик уч нафардан ўқитувчи ва беш нафардан магистрант (жами – 56 киши) танлаб олинди. Сўровнома жавобларининг (учтасига жавоб келмади) дастлабки таҳлили кўрсатишича, фақат индонезиялик ўқитувчилар уларда истеъмолда бўлган инглиз тилига “яхши” баҳосини беришган ва уни мустақил вариант сифатида эътироф этишган. Рус респондентларидан учтаси (2 ўқитувчи ва 1 магистрант) ҳам шундай баҳони берган.

II қисм

ЎЗБЕКИСТОНДА

ENGLISH FRANCA TIZIMIDAN

ФОЙДАЛАНИШНИНГ

СОЦИОЛИНГВИСТИК

ТАМОЙИЛЛАРИ

2.1. *English Franca* тизимида яратилган матнларнинг

социолингвистик хусусиятлари

2.2. Тадбиркорлик объектлари

номланишида инглиз тили

2.3. Ўзбек матбуотида инглиз тили

314. EU. Commission. Key Data on Teaching Language in Europe. // <http://eacea.ec.europa.eu/education/eurydice/documents/key-data-series>

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
I қисм. Дунё миқёсида амал қилаётган инглиз тилининг лингвистик мақоми ва вариантлашуви	13
1.1. Дунё инглиз тиллари вариантларини таснифлаш масаласи	14
1.2. Инглиз тилининг Lingua franca сифатидаги социолингвистик тадқини	32
1.3. Дунё инглиз тилларининг лингвистик мақоми	47
II қисм. Ўзбекистонда English franca тизимидан фойдаланишнинг социолингвистик тамойиллари	59
2.1. English franca тизимида яратилган магнларнинг социолингвистик хусусиятлари	60
2.2. Тадбиркорлик объеклари номланишида инглиз тили	89
2.3. Ўзбек мабуотида инглиз тили	106
III қисм. Ўзбекистон аҳолиси нутқида инглиз тилидан фойдаланишнинг прагматик кўрсаткичлари	127
3.1. Хорижий тилдаги мулоқотнинг лисоний-маданий хусусиятлари	128
3.2. Инглиз тилидаги мулоқот жараёнида хурмат категориясининг воқеланиши	153
3.3. Ўзбекистонлик тил ўрганувчиларнинг инглиз тилидаги нутқида акцент ходисаси	169
IV қисм. Ўзбекистон таълим тизимида инглиз тили	187
4.1. Хорижий тил таълимининг социолингвистик ва психологик-когнитив хусусиятлари	188
4.2. Инглиз тили вариантлашувида тил таълими муаммоси	202
4.3. Lingua franca варианты – таълим тизимида	213
Адабиётлар рўйхати	233

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ғанишер Раҳимов

**ИНГЛИЗ ТИЛИ
ЎЗБЕКИСТОНДА:
СОЦИОЛИНГВИСТИК ВА
ПРАГМАТИК КЎРСАТКИЧЛАР**

«Tamadun» нашриёти, 100129.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

*Муҳаррир: А. Қўнишев
Мусаҳҳиҳ: Л. Ҳасанова
Саҳифаловчи: У. Саидов*

Лицензия рақами А №247. 02.10.2013 й.
Теришга берилди 04.09.2017 й. Чоп этишга рухсат этилди
16.10.2017 й. Бичими 84x108 1/32. Оффсет усулида чоп этилди.
Гарнитура TimesUZ. Шартли босма т. 16,75.
Адади 500 нусха. Нархи шартнома асосида. Буюртма №25.

«Irak yo'li ro'ligraf» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Авайхон кўчаси, 98-«А» уй.

truth 21st
strange potato
Jack
broyer
message
affected
firm
tongue
live
Latin
Japanese
vs
metaphor
berks
whatever
hullabaloo
Century
language
labelings

Century
Nothing's
added
people
NEW
fluency
one
two
wa
para
long
St
Jilly
borrowed
use
youths
speaking
benchmark
people
Get
fluency
one
two

